

ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.05.2018.FM/T.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ

ЗАРИПОВ АБДУЖАППАР АБДУРАЗАКОВИЧ

ДИЭЛЕКТРИКЛАРГА ЭЛЕКТРОЭРОЗИЯ ЁРДАМИДА ИШЛОВ
БЕРИШДАГИ ЖАРАЁНЛАР

01.04.04 – Физик электроника

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии
(PhD) по физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on physical-mathematic sciences**

Зарипов Абдужаппар Абдурзакович Диэлектрикларга электроэрозия ёрдамида ишлов беришдаги жараёнлар	3
Зарипов Абдужаппар Абдурзакович Процессы при электроэрозионной обработки диэлектриков	17
Zaripov Abdujappar Abdurazakovich Processions of electrical discharge machining by dielectrically	31
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	35

**ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.05.2018.FM/T.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ

ЗАРИПОВ АБДУЖАППАР АБДУРАЗАКОВИЧ

**ДИЭЛЕКТРИКЛАРГА ЭЛЕКТРОЭРОЗИЯ ЁРДАМИДА ИШЛОВ
БЕРИШДАГИ ЖАРАЁНЛАР**

01.04.04 – Физик электроника

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.4.PhD/FM157 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ион-плазма ва лазер технологиялари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси fti.uz ва «ZiyoNet» Ахборот таълим тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ашуров Хатам Бахронович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тураев Назар Юлдашевич
физика-математика фанлари доктори, академик

Ташатов Алланазар Каршиевич
физика-математика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат техника университети

Диссертация химояси Ион-плазма ва лазер технологиялари институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.30.05.2018.FM/T.65.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел./факс: (998-71) 262-32-54, email: iplt@iplt.uz).

Диссертация билан Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг Ахборот-ресурс марказида ___ рақами билан рўйхатга олинган, иш билан ИПваЛТИда танишиш мумкин, манзили: 100125, Тошкент, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел: (998-71) 262-31-69.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).



С.С. Курбанов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ўринбосари ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

Д.Т.Усманов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби ф.-м.ф.д., катта илмий ходим



Б.Е.Умирзаков

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги вақтда жаҳонда замонавий саноатнинг машинасозлик, микроэлектроника, ракетасозлик каби соҳаларида металллар ўрнига сопол ва бошқа ёмон ўтказувчан моддалардан бўлган қотишмали янги материаллар фаол ишлатилмоқда. Бу қотишмалар металлларга қараганда чириш ва занглашга бардошли, енгилроқ ҳамда ҳароратга чидамли, тўзмайдиган, аммо асосийси жуда арзон ҳисобланади. Бироқ уларга анъанавий усулларда ишлов бериш ушбу материаллар таннархидан ўн баравар ошиб кетади. Баъзи ҳолларда уларга механик ишлов бериш деярли мумкин эмас. Шунга кўра, энг муҳим ва долзарб муаммолардан бири, янги қотишмали материалларга ноанъанавий усулларда ишлов бериш ҳисобланади. Импульсли электр разрядлари билан ишлов беришдаги электрод олди жараёнлари табиатини, кейинчалик бу усулни амалиётда қўллаш юзасидан тадқиқ қилишга йўналтирилган изланишлар ўта муҳим масалалардан биридир.

Бугунги кунда жаҳонда янги қотишмали материалларни қўллаш ва уларга ишлов беришни арзонлаштириш саноатда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, электр эрозияни янги қотишмаларга ишлов беришда қўллаш, материалларнинг кафолатли хизмат муддатини узайтириш ва фойдаланилаётган материалларнинг таннархини туширишни таъминлаш, таъсир механизмларини аниқлаш ва ўрганиш; унумдорлик ва технологик катталиклар орасидаги боғлиқликни аниқлаш; сувли электролитларда катод атрофидаги плазма қатламининг доимийлик шартларини аниқлаш; назарий маълумотларни ҳисоб-китоб қилиш ва амалий натижалар билан солиштириш; яримўтказгич ва ноўтказгич материалларга ишлов беришнинг энг мақбул катталикларини аниқлаш замонавий фан ва саноатда катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон республикасида ҳозирги пайтда физиканинг долзарб муаммолари устида илмий-тадқиқот ва инновацион ишлар фаол олиб борилмоқда. Республикани янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида фан ва инновация ютуқларини амалиётга татбиқ қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Амалиётда қўллаш учун математик моделларни шакллантириш замонавий электродлар олди жараёнлари физикаси йўналишининг долзарб илмий вазифаси ҳисобланади. Олинган натижалар ток ўтказмайдиган материалларга электр импульслари ёрдамида ишлов берувчи янги дастгоҳлар ва қурилмалар ишлаб чиқишда катта истиқболга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони ва 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг III. «Энергетика, энергоресурс тежамкорлиги, транспорт, машина ва асбобсозлик, замонавий электроника, микроэлектроника, фотоника, электрон асбобсозлиги ривожланиши» ва II. «Физика, астрономия, энергетика ва машинасозлик» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда ҳар хил хорижий илмий марказлар томонидан ток ўтказмайдиган материалларга ишлов бериш бўйича қатор илмий тадқиқотлар бажарилган. Масалан, диэлектрикларга электр эрозия усулида ишлов бериш технологияси ривожига япон олимлари N.Mohri, Y.Fukuzawa (1998) муайян ҳисса қўшишган, бу технология материалда сунъий ўтказувчанлик ҳосил қилишга асосланган. Олимлар R.Wüthrich ва H.Bleuler (2005) диэлектрикларга электрокимёвий электроэрозиявий усулларда биргаликда ишлов беришни таклиф қилишган. Уларнинг хулосаларига кўра, электроэрозиявий ишлов бериш анод ва катод орасидаги пуфакчалардан ташкил топган газ қатлам орқали содир бўлади. Хитой олимлари Y.H.Liu, R.J.Ji (2008) электрокимёвий ва электр усулларини ёрдамчи электрод билан биргаликда ишлатишни таклиф қилишган, улар ёрдамчи электрод сифатида юпқа мис тахтасини ишлатган ҳолда изоляцияловчи сопол сиртининг катта соҳаларига ишлов бера олишган.

Мамлакатимизда электр импульсларининг кам ўтказувчан материалларга таъсири механизмларини аниқлаш устидаги тадқиқотлар техника фанлари доктори Э.Т.Абдукаримов томонидан олиб борилган (2001).

Ҳозирги вақтда қотишмаларга ишлов бериш учун электрофизикавий усулларни қўллашда жонланиш кузатилмоқда. Ток ўтказмайдиган материалларга ноанъанавий усулларда ишлов беришнинг кенг ва турли имкониятлари борлиги тажрибаларда исботланган. Электроэрозия таъсирида қаттиқ жисм сиртида содир бўлаётган жараёнлар механизмини ўрганишда атом-куч микроскопиясини ва вақт давомида синалган усулларни кенг қўллаш пуфакчалар кавитациясининг физикавий ва кимёвий катталикларини юқори даражада аниқлаш имконини берди.

Бу диссертация ишига қадар, ток ўтказмайдиган ва яримўтказгич материалларга ноанъанавий усулларда ишлов бериш жараёнларининг физикавий табиатини ёритувчи ва тавсифлаб берувчи механизмлар бўйича тизимли ахборот йўқ эди. Ушбу тизимли маълумотлар орасидан физикавий жараёнлар ва электролитларга туширилган диэлектрик намуналарга электроэрозиянинг билвосита таъсирида вужудга келувчи кавитация ҳодисасининг доимийлик ва турғунлик каби шартлари таъминланишини тажрибаларда аниқлаш лозим эди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши ЎзР ФА Ион-плазма и лазер технологиялар институтидаги қуйидаги илмий-тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган: ФА-А4-Ф057-сонли «Поликристалл кремний ишлаб чиқаришнинг технологик схемасини яратиш» (2012–2016 йй.); А13-159-сонли «Ҳар-хил материалларда тирқиш ва чуқур

тешиқлар очишнинг ўта аниқ электроэрозиявий қўшма технологияларини ишлаб чиқиш» (2006-2008 йй.); П19-36-сонли «Ноанъанавий материалларга электроэрозия ёрдамида ишлов бериш усулларини ишлаб чиқиш» (2002-2005 йй.); П.3.6.1.2-сонли «Электр разряди (электроэрозия) ёрдамида юқори омли материалларга ўлчовли ишлов бериш технологияларини ишлаб чиқиш» (2000-2002 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади ток ўтказмайдиган материалларга электроэрозиявий ишлов беришнинг физик табиати ва шакллантирилган юқори частотали импульсли электр разрядларининг диэлектрик сирти билан таъсирлашув механизмларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

диэлектрик ва яримўтказгичларга ишлов берувчи электроэрозия қурилмасини ишлаб чиқиш;

вольтампер хусусиятларини, электролитларда плазма буғ-газ қатламининг пайдо бўлиш қонуниятларини ва шаклланиш шартларини аниқлаш;

катод яқинидаги плазмали буғ-газ қатламнинг давомийлик, доимийлик ва турғунлик шартларини ойдинлаштириш;

электролитлардаги импульсли электр разряди критик ток зичлигининг анодлар физикавий-техникавий катталикларига боғлиқлигини аниқлаш;

электр катталиклари ва электр қуввати сарфининг тешиш унумдорлигига таъсирини аниқлаш;

ток ўтказмайдиган материалларга ишлов беришдаги асосий механизмларнинг емирувчан таъсири хусусиятлари ва физик табиатини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб фотопластинка (SiO_2 (68,4%); CaO (8,5%); Na_2O (9,4%); K_2O (7,1%); Al_2O_3 (3,9%); B_2O_3 (2,7%), сопол (Al_2O_3 (28%); Cr (72 %)), оптик ойна (PbO (53,2%); SiO_2 (41,4%); K_2O (5,4%)), поликристалл кремний хизмат қилган.

Тадқиқотнинг предмети электролитлардаги катод олди соҳаларида плазма гулхани шаклланиш қонуниятлари ва физик механизмлари, ишчи муҳитни танлаш, кавитациянинг емирувчан таъсир механизмидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда вольтампер хусусиятлар (ВАХ), вольт-ҳарорат хусусиятлар (ВХХ), растр электрон микроскопия (РЭМ), атом-куч микроскопия (АКМ) усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

диэлектрик ва яримўтказгичларга ишлов имконини берувчи универсал электроэрозия қурилмаси ишлаб чиқилган;

электролитлардаги катод олди соҳаларида буғ-газ қатлами ҳосил бўлиш шартлари, плазма қобик пайдо бўлиш қонуниятлари ва вольтампер хусусиятлари аниқланган;

катод олди соҳаларида плазма қатламнинг давомийлик, турғунлик, доимийлик шартлари аниқланган;

импульсли электр разрядлари шароитида критик ток зичлигининг анод физикавий-техникавий катталикларига боғлиқликлари топилган;

электр катталикларининг ва сарфланаётган электр қуввати ошишининг тешиш унумдорлигига таъсири аниқланган;

электролит муҳитдаги диэлектриклар эрозияси жараёнини тушунтирувчи кавитация механизми асосланган;

электролит тўйинганлигининг ошиши билан сирт таранглик коэффициентининг пасайишини тушунтирувчи кенгайтирилган конденсатор модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

иш бўйича олинган янги натижалар электрод олди жараёнлари ва электр разрядининг қаттиқ жисмлар сирти билан таъсирлашув физикаси учун катта аҳамиятга эга ва электролитларда ток ўтиши жараёнлари тўғрисидаги тушунчаларни чуқурлаштиришга, уларнинг мавжуд назарий моделларини ривожлантиришга хизмат қилади;

диэлектрикларга электр разрядлари билан ишлов беришнинг ноанъанавий усулида олинган амалий тажриба натижалари мазкур қотишмаларнинг саноатдаги ролини оширишда ва кенгроқ қўлланишида ўта муҳим, кавитациянинг кам учрайдиган механизми бизларга электролитлардаги катод олди жараёнларини таҳлил қилишга ёрдам беради;

ойна тахталарини тешишда аниқланган қонуниятлар ноўтказгич ва юқори қаршиликли сопол қотишмаларга ишлов беришда ишлатилиши мумкин. Олинган натижалар диэлектрикларга ишлов беришни ривожлантиришнинг илмий асоси сифатида хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларнинг замонавий ва синалган тадқиқот усуллари ёрдамида олинганлиги ҳамда маълумотлар қайта ишланганлиги билан тасдиқланади. Ҳар бир тажриба энг камида 3-5 марта ўтказилган, шу билан ўртача статистик ва мутлоқ хатолар OriginPro компьютер дастурини ишлатиш орқали ҳисобланган. Тажриба натижалари ва уларнинг таҳлили асосидаги хулосалар кўрилаётган объектларнинг назарий тадқиқотлари борасидаги бошқа муаллифлар ишлари билан мос келади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, диссертация иши катод яқинида олинган плазма гулханининг физик хусусиятлари ва шаклланиш механизмларини тушунтиришга ҳамда кавитация жараёнининг ҳар хил ўтказувчанлик табиатига эга материалларнинг сиртига емирувчан таъсирини ўрганишга ва импульсли электр разрядлари шароитидаги кавитация назарияси ривожига асос бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, у металлларнинг конденсатор моделини кенгайтирилган ҳолда полиэлектролитларда ишлатиш имконини беради. Фойдаланилган ёндашувлар, усуллар, аниқланган механизмлар ёмон ўтказувчан материаллар, жумладан, қаттиқ жисмли электроника ускуналари ва қуёш энергетикасида ишлатилувчи юқори омли поликристалл кременийни кесишнинг янги усуллари асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Диэлектрикларга электроэрозиявий ишлов беришнинг физик табиати ва шакллантирилган юқори частотали импульсли электр разрядларининг диэлектрик сирти билан таъсирлашув механизмларини аниқлаш асосида:

тешиш тезлиги ва унинг физик катталиклари орасидаги боғлиқлик, плазма қатламининг давомийлик, доимийлик ва турғунлик шартлари, шунингдек, кавитациянинг ноёб механизми асосида олинган илмий натижалар полимер изоляторларни тешишда Ангрен шаҳридаги Арматура-изолятор заводида қўлланилган («Ўзбекэнерго» акционерлик жамиятининг 2019 йил 1 майдаги ХШ01-23.676-сонли маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш ишлов бериш унумдорлигини ва полимер намунанинг мустаҳкамлигини ошириш имконини берган;

катод олди соҳаларидаги плазма қатламининг импульсли электр разрядларига боғлиқлиги ва электролит муҳитлардаги электроэрозиявий ишлов бериш механизми бўйича олинган тажриба натижалари А-4-7-сонли «Микро ва оптоэлектроника, жумладан, қуёш энергетикаси ускуналари учун кремний ва арсенид галлий монокристалл юпқа пардалари сиртига яқин соҳаларига гетероэпитаксиал тузилмаларни синтез қилиш» амалий лойиҳасида яримўтказгич ва диэлектрикларда уловчи тешиклар очиш учун қўлланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий таълим Вазирлигининг 2019 йил 2 майдаги 89-03-1749-сонли маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш яримўтказгич ва диэлектрикларда юқори аниқликдаги тешиклар очиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 125 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Импульсли электр разрядларининг сиртга таъсири бўйича ишлар таҳлили**» деб номланган биринчи бобида ҳар хил турдаги ўтказувчанликка эга материалларга электроэрозиявий ишлов бериш ҳақидаги замонавий тасаввурлар таҳлил қилинган, ишлов берилувчи намуна сиртларида ўтказувчанлик ҳосил қилиш ва чуқур ишлов бериш учун таклиф қилинган усуллар бўйича адабиётлар маълумотлари таҳлил этилган.

Ўтказувчан сопол қотишмаларни электроэрозиявий ишлов бериш жараёнининг мазмунини ифодаловчи таклиф қилинган ишлов бериш механизмлари ва ўтказувчи сопол қотишмаларни электроэрозиявий ишлов беришнинг физикавий асосларига асосий эътибор қаратилган. Диэлектрикларга электр разрядини қўллаб ишлов беришнинг таклиф қилинган усулларини урта катта гуруҳга гуруҳлаш мумкин: электр ўтказувчан қатлам ҳосил қилиш билан ишлов бериш; ёрдамчи электрод ишлатган ҳолда ишлов бериш; кимёвий моддалар ишлатган ҳолда ишлов бериш.

Мавжуд назарий ва амалий маълумотларни таҳлил қилиш асносида ток ўтказмайдиган материалларга замонавий электроэрозиявий ишлов беришдаги асосий муаммолар очиб берилган, булар диэлектрик юзасига таъсир механизмидаги ноаниқликлар билан боғлиқ бўлиб, ушбу диссертациянинг асосий мақсади ва вазифаларини шакллантиришга хизмат қилган.

Диссертациянинг «**Тажриба қурилмаси ва ўлчаш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тажриба қурилмаси, шунингдек, тахометр ва демпферли мувозанатловчи тизим таърифланган. Шунингдек, тадқиқот ўтказиш босқичлари, тажриба ўтказишда ишлатилган материаллар, усуллар, хусусан, кучланишнинг занжирдаги тақсимланиши ҳақидаги тўлиқ классик таҳлил маълумотлари келтирилган.


Тажриба усуллари ҳақида ҳам ёзилган бўлиб, электролитларда электр импульсларини ўрганишда асосий усул сифатида вольт-ампер ва вольт-ҳарорат хусусиятлари (ВАХ ва ВҲХ) келтирилган.

Сиртнинг микрорельефи ва нотекислиги ҳақидаги маълумотларни ўрганиш учун стандарт қурилмалардан растр электрон микроскопи («JEOL») ва атом-куч микроскоплари ишлатилган.


Диссертациянинг «**Электролитлардаги электр разрядлари**» деб номланган учинчи бобида сувли электролитлар вольт-ампер хусусиятлари (ВАХ) бўйича маълумотлар тадқиқи тақдим этилган. Ҳар хил шароитларда ВАХни ўрганиш бизларга бу боғлиқликларнинг тўртта умумий характерга эга ўтиш босқичлари борлигини ойдинлаштирди. Ўтиш босқичларининг хусусиятлари электр катталиклар (I , U , R , J ва ҳ.к.)га, электролитларнинг тоифасига, унинг зичлигига, яъни кимёвий реактивнинг тўйинганлигига боғлиқ, аммо электродлар аро масофага боғлиқ эмас эканлиги аниқланган.

Ҳар хил тўйинган NaCl ва NaOH сувли эритмали электролитларда ток оқиш жараёни ривожини (1-расм ва 2-расм) интеграл ВАХларида кузатиш мумкин. Ток оқимининг тақдим қилинган турли босқичларига боғлиқ ВАХ чизиқларидан 4 та қисмни ажратиб кўрсатиш мумкин.

1-ва 2-қисмларда берилган ҳарорат ва тўйинганликда кучланиш ўзгариши билан электродлар оралиғидаги қаршилик деярли амалий ўзгармайди.




1-расм. Ҳар хил тўйинган NaCl электролити сувли эритмасининг ВАХи.




2-расм. Ҳар хил тўйинган NaOH электролити сувли эритмасининг ВАХи.

3-қисмда ток қиймати ошиб бориши натижасида электролитларда электрохимёвий жараёнлар фаоллашади ва боғлиқлик чизиқли бўлмай қолади. Бу қисм яхлит буғ қатламининг шаклланиш босқичидир ва ВАХ-нинг пасаювчи қисмига тўғри келади, импульс разрядлари содир бўлиши кузатилади. Ушбу қисм катод юзасида маълум вақт (5 мс) яшаш хусусиятига эга буғ-газ қатлам ҳосил бўлиши билан тугалланади (3-расм). 3-расмда келтирилган осциллограммадан кўриниб турбдики, электродлар оралиғидаги кучланиш сақраб ошади, ток қиймати 2 А дан, то 0,1 А гача кескин камаяди.



3-расм. Электр импульсларининг энг юқори нуқтасидаги ток ва кучланишнинг осциллограммаси.



4-расм. Критик ток зичлигининг ҳар хил электролитлар тўйинишига боғлиқлиги.


Қувват манбасидан берилган кучланиш, асосан, электродлар оралиғига тўғри келади. Чунки электролит қаршилиги жудаям кичик ва электролитнинг доимий ҳароратида амалда ўзгармайди, электр майдон электролит ва катод орасида ҳосил бўлган ~0,5 ммли, кичик буғ-газ пуфакчали қатламида жамланади, майдон кучланганлигининг кескин ошиб кетиши эса турғун бўлмаган жараёнларнинг пайдо бўлишига шароит яратади, разрядлар содир бўлиши кузатилиши мумкин.

4-қисм катод атрофидаги қатлам турғунлашуви билан тавсифланади, унинг мавжудлиги жуда кўп газ разрядларининг содир бўлиши билан биргаликда кузатилади ва катод эриш ҳароратигача қизиши мумкин.

Дастлабки разрядлар ҳосил бўладиган ток зичлигини биз шартли равишда критик деб атадик. 4-расмда критик ток зичлигининг электролитлар сувли

эритмасида тўйинганликка боғлиқлиги келтирилган бўлиб, катоднинг мазкур суюқликка ҳар хил чуқурликда ботирилган ҳолатлари учун кўрсатилган. Плазма гулхани пайдо бўлувчи кучланиш ва ток зичлиги, ўрганилган сувли электролит эритмалар учун ВАХ ва критик ток зичлигининг тўйинганликка боғлиқлигидан кўриниб турганидай (4-расм), тўйинганлик ва электролит таркибига боғлиқ.

Диссертациянинг «Диэлектрикларга электроэрозиявий ишлов бериш» деб номланган тўртинчи бўлимида ток ўтказмайдиган материалларга ишлов бериш билан боғлиқ амалий маълумотлар келтирилган.



5-расм. 6% ли NaCl нинг сувли эритмасида тешиш тезлигининг ток қувватига боғлиқлиги, NaCl, T=const, C=0,5 мкФ.


Биз оптик ойнани диаметри 1,5 мм бўлган вольфрам симли электрод-асбоб билан ишлов бериш тезлигининг электр қуввати сарфига таъсирини ўрганиб чиқдик (5-расм). Электр импульсли генератор ёрдамида даврийлик берилади ва даврий электр разрядларининг электр майдонининг кучланганлиги бошқарилди. Электр майдонининг кучланганлиги юқори нуқтага етган жойларида электр разряд содир бўлади. Электронлар ва эркин мусбат ионлар электр майдони

таъсирида юқори тезликка эришади ва лаҳзада юқори электр ўтказувчанликка эга ион лаҳм ҳосил қилади. Ундан электр токи оқиб ўта бошлайди, электрод билан намуна орасида бошланғич заррачалар тўқнашуви юзага келиб, электр импульсли разряд ҳосил бўлади.


Бир миллиметрли фотопластинка асосидаги намуналарда ҳажмий тешиш тезлигининг электрод асбоб (ЭА) айланиш частотасига боғлиқлиги ўрганилган. Тешик деворларининг яроқли нотекислиги сақлаб қолинган ҳолда ишлов бериш тезлигининг юқори чегараси қийматларига ўта яқин бўлган ЭА айланиш частотасининг энг мақбул кўлами аниқланди (6-,7-расм).




6-расм. NaCl тузининг 6%ли сувли эритмасида тешиш тезлигининг катод айланиш тезлигига боғлиқлиги, T=const, C=0,05 мкФ, P=40 Вт.



7-расм. NaOH ишқорининг 6%ли сувли эритмасида тешиш тезлигининг катод айланиш тезлигига боғлиқлиги, T=const, C=0,05 мкФ, P=40 Вт.




8-расм. NaCl ни 6% ли сувли эритмасида тешиш тезлигининг конденсатор сигимига боғлиқлиги, $d_c=1,5\text{мм}$, $T=\text{const.}$, $P=40\text{ Вт}$.



9-расм. 6%ли NaOH ни сувли эритмасида тешиш тезлигининг конденсатор сигимига боғлиқлиги, $d_c=1,5\text{мм}$, $T=\text{const.}$, $P=40\text{ Вт}$.

Хансенга кўра кавитациявий ёрилиш генерацияси куйидагича юз беради: катод ва электролит пардаси орасидаги микроразряд ҳисобига; ультратовуш частотаси тебраниши ҳисобига.



10-расм. Электрод асбоб кўндаланг юзаси.

Электроэрозиявий ишлов беришда ультратовуш манбаси сифатида шубҳасиз, катод айланиши ҳисобига электр ёйининг узилишини олишимиз мумкин. Буни 10-расм маълумотлари орқали тасвирлаш мумкин.

Расмнинг чизик тортилган қисми ω бурчак тезлик билан айланма ҳаракатланувчи, катод t вақт лаҳзасида, маъно жиҳатдан анод ҳисобланувчи электролитнинг юпқа пардасидаги A нукта ва катод юзасидаги B нуктани микроёй билан улайди. Нукта $t'=t+\Delta t$ вақт лаҳзасида B нуктадан B' ҳолатга кўчади. Бунда ёйининг узилишига шароит

яратилади. Куйидаги тенгламага асосан:

$$K = \operatorname{tg} \alpha = \frac{BB'}{AB} = \frac{R\omega\Delta t}{h} \quad (1)$$

Куйидагини оламиз:

$$\Delta t = \frac{Kh}{R\omega} \quad (2)$$

Амалда ишлатилаётган қийматларга яқин катталикларни ўрнига қўйиб, ($h=0,01\text{мм}$, $R=1\text{мм}$, $\omega=40\text{с}^{-1}$) $\Delta t=2,5 \cdot 10^{-4}\text{К}$ (секунд) шартлар асосида ҳисоблаймиз.

Бу ерда K – 0,1 тартибдаги сон, катталик $\Delta t=2,5 \cdot 10^{-5}\text{с}$ га тенг, шунга мос келувчи тебранишлар частотаси $f=1/\Delta t=40\text{кГц}$, бу эса ультратовушлар кўламига тўғри келади.

Ўтказилган тажрибаларга кўра, ишлов беришнинг энг юқори тезлиги айнан мана шу кўламдаги частоталарга тўғри келади. Формуладан (3) кўриниб

турибдики, электрод асбоб радиусининг ошиб бориши айланишлар энг мақбул тезлигининг пасайишига олиб келиши керак, хусусан, бу нарса, биз ўтказган тажрибаларда кузатилади. Бу ишлов берилаётган диэлектрикнинг кавитациявий-эрозиявий механизм асосида емирилишини билвосита тасдиқлайди.

Энди импульсли тож разряд (ИТР) таъсирида суюқ электролитдаги қаттиқ жисм сиртида газ пуфакчаси ҳосил бўлиши ва кейин ёрилишини кўриб чиқамиз. Бундай R_0 радиусли пуфакчани ҳосил бўлишдаги бажарилган иш қуйидагига тенг:

$$A = \int_0^{R_0} \left(p + \frac{2\sigma}{R} \right) 4\pi r^2 dR = \frac{4\pi}{3} p R_0^3 + 4\pi\sigma R_0^2 \quad (3)$$

Бу ерда, P – суюқликка ташқи босим, σ – электролитнинг сирт таранглик коэффициентини. Пуфакчанинг ёрилишида атомларни қаттиқ жисмдан узиб олувчи энергия ажралиб чиқади:

$$A = Nw = SLwn \quad (4)$$

Бу ерда, n – қаттиқ жисм зичлиги, w – когезия энергияси, S ва L – ҳосил бўлган ковакчанинг катталиклари (11- расм).

Ўзгартириш коэффициентини γ киритиб (< 1), қувват сақланиш қонунини ёзамиз:

$$\gamma IU = \frac{dL}{dt} Swn \quad (5)$$

Бундан (5) ковакчани L_{max} чуқурликда тешиш вақтини топамиз:


$$L_{max} = \frac{1}{Swn} \gamma IUt \quad (6)$$

Тажрибада бундан (7) ўзгартириш коэффициентини аниқлаш мумкинлигини қайд қиламиз:


$$\gamma = \frac{L_{max} Swn}{IUt} \quad (7)$$

Ҳажмий тешиш тезлигининг тўйинганликка боғлиқлигининг амалий ва назарий эгри чизиклари мос тушганлигининг далили жараённинг кавитациявий-эрозиявий моҳиятини тасдиқлайди.

Электроэрозиявий ишлов бериш усули имкониятлари 12-расмдаги суратда кўрсатилган, 1 ммли фотоойна намунасида 100 мкмли тешик очилган.



11-расм. Қаттиқ жисм яқинидаги пуфакча кавитациясининг чизгиси.



12-расм. 100 мкм тешикли намуналар.

ХУЛОСАЛАР

1. Диэлектрикларга ишлов берувчи электроэрозиявий қурилма ишлаб чиқилган бўлиб, бунда биринчи дафъа қўлланган янги қисмлар, сузувчи каллак кўринишидаги махсус изқувар мувозанатловчи тизим, тебраниш ютувчи намуна туткичлар мўрт ва юпка диэлектрик ва яримўтказгич тахталарни синдирмасдан ишлов имкониятини берган ҳамда катод айланишини бошқарувчи тизимнинг қўлланилиши ўтказмайдиган материалларни ишлов бериш тезлигини оширган.

2. Калий ва натрий ишқорлари, шунингдек, ош тузи электролитлари сувли эритмаларининг вольтампер хусусиятларида ток зичлигининг то энг пастки нуқтагача ўзига хос камайиши ўрнатилган, бу эса буғ-газ қобик ҳосил бўлиши ва яшаш вақти ~5мс бўлган буғ-газ қатламдан сакраб ўтувчи импульс разрядларнинг қизғин юзага келиши билан боғлиқ.

3. Катод олди соҳаларидаги плазма қатламнинг доимий мавжудлик шартларидан бири ток зичлигининг йиғиндиси эканлиги ва бу NaOH, KOH учун бор-йўғи $\sim 0,5 \text{ A/cm}^2$, NaCl электролитнинг сувли эритмаси учун эса бир тартибдан ҳам юқорида ва $\sim 9 \text{ A/cm}^2$ ни ташкил қилиши ўрнатилган, бунда NaCl, NaOH ва KOH электролитларининг сувли эритмаларидаги катод олди соҳаларида импульс электр разрядларининг қизғин кечиши учун тўйинганликнинг 6% дан кам бўлмаслигини таъминлаш лозим, тўйинганликни янада ошириш амалда критик ток зичлигининг ошишига таъсир қилмайди.

4. Электролитлардаги диэлектрикларга ишлов беришда дастлабки импульсли электр разрядларни юзага келтирувчи ток зичлигининг электродлар оралиғига ва катод юзаси чегараланганда ботиш чуқурлигига боғлиқ эмаслиги аниқланган, бу эса электроэрозиявий жараёни плазма қобик ҳосил бўлиш орқали амалга ошишини тасдиқлайди.

5. Электроэрозиявий ишлов бериш жараёнининг электр катталиклари катод яқинидаги пуфакчали буғ-газ қатлам доимийлигига ва электр разрядлари қизғин содир бўлишига кучли таъсир қилиши аниқланган, хусусан, NaCl электролитнинг сувли эритмасидаги электродлар оралиғига сарфланаётган электр қувватининг ошиши тешиш тезлигининг чизиқли равишда то 4 мм/дақ. гача ошишига олиб келган. Ҳар бир турдаги ишлатилган 6% ли NaCl и NaOH электролитларининг сувли эритмалари учун конденсатор сифимининг энг мақбул кўлами аниқланган, у мос равишда $0,1 \pm 0,02 \text{ мкФ}$ ва $0,02 \text{ мкФ} \pm 0,004 \text{ мкФ}$ ларни ташкил қилади.

6. Катод айланиши сабабли электр учқунининг узилиш вақтида, катод ва электролитнинг юпка пардаси ўртасидаги микроразряд ҳисобига содир бўлаётган, катод кенглигида жамланган, юқори частотали тўлқинлар юзага келиши аниқланган. Юқори частотали тўлқинлар частотаси ҳисобланадиган математик ифода олинган, унга кўра тебраниш частотаси 40 кГц ни ташкил қилади, бу эса ультратовуш кўламига мос келади. Назарий ҳисоб-китоблар, берилаётган қувват ўзгармаганда катод диаметри кичкиналаштирилганда ҳамда электрод айланишлар сонини кўпайтирилганда ишлов бериш тезлигининг ошиши каби далиллар билан тасдиқланган.

7. Пуфакчалар ёрилиши ҳисобига юзага келувчи кавитация таъсири ҳодисаси билан электролит муҳитдаги диэлектриклар емирилиши жараёнини тушунтирувчи физик механизм таклиф қилинган. Қаттиқ жисм сирти яқинидаги пуфакчанинг кавитациявий чизгиси ясалган, шунингдек, электр импульси – металл – электролит – диэлектрик тизимининг ўзаро таъсирини тавсифловчи, мос келувчи ўзгариш коэффициентини қўллаганда кузатилаётган жараёнлар билан қониқарли даражада уйғун бўлган тенглама ифодаси таклиф қилинган.

8. Илк бор полиэлектролитларга қўлланилган, электролит тўйинганлиги ошиши билан сирт таранглик коэффициентининг пасайишини тушунтирувчи кенгайтирилган конденсатор модели таклиф қилинган. Сирт таранглик коэффициенти ва тешиш тезлигининг тўйинганлик билан боғлиқликларига алоқадор тажрибаларга назариянинг уйғунлиги кавитациявий фаразларнинг мос келишига далолат қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.30.05.2018.FM/Т.65.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ИОННО-ПЛАЗМЕННЫХ
И ЛАЗЕРНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

ИНСТИТУТ ИОННО-ПЛАЗМЕННЫХ И ЛАЗЕРНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

ЗАРИПОВ АБДУЖАППАР АБДУРАЗАКОВИЧ

**ПРОЦЕССЫ ПРИ ЭЛЕКТРОЭРОЗИОННОЙ ОБРАБОТКЕ
ДИЭЛЕКТРИКОВ**

01.04.04 – Физическая электроника

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент–2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.4.PhD/FM157.

Диссертация выполнена в Институте ионно-плазменных и лазерных технологий Академии наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу fti.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.uz.

Научный руководитель: **Ашуров Хатам Бахронович**
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Тураев Назар Юлдашевич**
доктор физико-математических наук, академик

Ташатов Алланазар Каршиевич
доктор физико-математических наук, доцент

Ведущая организация: **Ташкентский государственный технический университет**

Защита состоится «___» _____ 2019 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc.30.05.2018.FM/T.65.01 по присуждению ученых степеней при Институте ионно-плазменных и лазерных технологий АН РУз. (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Дурмон йули, 33. Тел./Факс: (99871) 262–32–54, e-mail: info@iplt.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института ионно-плазменных и лазерных технологий (зарегистрирована за № _____). Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Дурмон йули, 33. Тел.: (99871) 262–31–69.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2019 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от _____ 2019 года).



С.С. Курбанов
Заместитель председателя Научного совета по присуждению ученых степеней, д. ф.-м. н., с.н.с.

Д.Т. Усманов
ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д. ф.-м. н., с.н.с.



Б.Е. Умирзаков
председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д. ф.-м. н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мире в таких отраслях современной промышленности как машиностроение, микроэлектроника, ракетостроение вместо металлов начали активно использовать новые композиционные материалы из керамики и других плохо проводящих веществ. Эти композиты являются стойкими к коррозии и эрозии, более легкими, термостойкими и износостойкими, но главным образом дешевле металлов. Однако их обработка традиционными методами десятикратно превышает себестоимость самих материалов. В некоторых случаях их механическая обработка почти невозможна. Поэтому одной из важных и актуальных проблем является обработка «новых» композиционных материалов с помощью альтернативных методов. Исследования по установлению природы приэлектродных процессов при обработке импульсными электрическими разрядами для дальнейшего практического применения метода являются одной из важнейших задач.

На сегодняшний день в мире важная роль в промышленности отводится применению и удешевлению обработки новых композиционных материалов, а также использованию электрической эрозии для обработки новых композитов, обеспечивающих гарантийный срок службы и снижение себестоимости используемых материалов, определению и изучению механизмов воздействия; определению зависимостей между производительностью и технологическими параметрами; выяснению условий постоянства плазменного слоя вокруг катода в водных растворах электролитов. Большое значение в современной науке и промышленности имеют исследования по расчету теоретических данных и сравнению с практическими результатами; поиску оптимальных параметров обработки полупроводников и непроводящих материалов.

В настоящее время в Республике Узбекистан активно проводятся научно-исследовательские и инновационные работы по актуальным проблемам физики. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан особое внимание обращается на вопросы создания механизмов применения в практике достижений науки и инноваций. Актуальной научной задачей современной физики приэлектродных процессов с точки зрения приложений к реальности является формирование математических моделей. Полученные результаты будут иметь большие перспективы при разработке новых станков и устройств для обработки непроводящих материалов импульсными электрическими разрядами.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан №-УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О мерах по дальнейшей реализации Стратегии действий по развитию Республики Узбекистан в 2017–2021 гг.» и №-ПП-2789 от 17 февраля 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертация выполнена в рамках приоритетных направлений развития науки и технологий Республики Узбекистан – III. «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение, транспорт, машино- и приборостроение; развитие современной электроники, микроэлектроники, фотоники, электронного приборостроения» и II. «Физика, астрономия, энергетика и машиностроение».

Степень изученности проблемы. На сегодняшний день разными зарубежными научными центрами был выполнен ряд научных исследований по обработке непроводящих материалов. Например, определенный вклад в развитие технологии обработки диэлектрических материалов электроэрозионным методом внесли японские ученые N. Mohri, Y. Fukuzawa (1998); эта технология основана на создании искусственной проводимости в материале. Ученые R. Wüthrich и H. Bleuler для обработки диэлектрика предложили использовать комбинированные электрохимические электроэрозионные методы (2005). По их заключению эрозионная обработка происходит через газовый слой, состоящий из пузырей между анодом и катодом. Китайские ученые Y.H. Liu, R.J. Ji предложили комбинирование электрохимических и электрических методов с использованием вспомогательного электрода (2008), используя в качестве вспомогательного электрода тонкий медный лист, они смогли обработать большие области поверхности изоляционной керамики.

В нашей стране исследования по изучению механизмов воздействия электрических импульсов на слабопроводящие материалы проводились под руководством Э.Т. Абдукаримова (2001).

В настоящее время наблюдается оживление в обработке композитов с применением электрофизических методов. Экспериментами доказано наличие разнообразия и широких возможностей обработки непроводящих материалов нетрадиционными методами. Использование атомно-силовой микроскопии и широкое применение проверенных временем методов при изучении механизма процессов, происходящих на поверхности твердого тела под воздействием электроэрозии, дали возможность высокоточного определения физико-химических параметров кавитации пузырьков.

